Ушбу сонда:

2 *Шартнома шартлари қандай бажарилмоқда?* ДАЪВОГАРНИНГ ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗИ

3 ФЕРМЕР ИМКОНИЯТИ Тадбиркор ундан қандай фойдаланаяпти?

4 *Ўзбек кураши: I Осиё чемпионати* АЛИНИНГ МАЙДОНИДА МАРДЛАР БЕЛЛАШДИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 1 май, сешанба №66 (1080)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 3-5 май кунлари давлат ташрифи билан Россия Федерациясида бўлади.

Ташриф давомида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор қўшма ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

«БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим!

Авваламбор, барчангизни «Баркамол авлод» нуфузли спорт мусобақаларида иштирок этиш, унинг дастлабки қатнашчилари бўлиш бахтига мушарраф бўлиб турганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бу мусобақалар юртимизда истиқлол йилларида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга ошираётган олижаноб ишларимизнинг яна бир ёрқин натижасидир.

Шунинг учун ҳам мустақиллик руҳида униб-ўсиб келаётган навқирон авлоднинг ана шундай спорт анжуманида иштирок этиши, ўз кучи ва маҳоратини, олижаноб фазилатларини намоён этиши биз учун истиқлолимизнинг энг улуғ ютуқларидан биридир, десак асло муболаға бўлмайди.

Бугунги воқеа ўсмирларимиз ўртасидаги оммавий спорт мусобақаларига асос бўлаётгани, бу соҳада янги анъаналарни бошлаб бераётгани билан ҳам қадрлидир. У сизнинг нафақат жисмоний чиниқишингизга, балки ҳалол беллашувлар иштиёқи, ғалабалар қувончи билан яшашингизга, халқимизга хос мардлик, тантилик ва бағрикенглик хислатларини кўрсатиб, маънавиятингизнинг юксалишига ҳам хизмат қилади.

Шу маънода, халқимиз сизнинг сиймонгизда Ўзбекистон спортининг бўлажак юлдузларини, энг муҳими, соғлом турмуш тарзи талаблари асосида яшайдиган, ўз Ватанининг азиз ва ардоқли фарзандлари бўлган навқирон ва баркамол авлодни кўради.

Сиздек билим ва курашга ташна ўғил-қизларимни бағримга босиб, айтмоқчиман: сиз - Алпомиш, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби мард ва ботир инсонларнинг авлодисиз, сиз - буюк юрт фарзандларисиз.

Азиз болаларим!

Ишонаманки, сизлар бу ҳақиқатни нафақат спорт майдонларидаги ғалабаларингиз, балки ҳаётдаги эзгу интилишларингиз билан ҳам исбот этасиз.

Қалбингизни ғалаба иштиёқи ҳеч қачон тарк этмасин!

Барчангизга омад ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ватан ягонадир, Ватан биттадир

Хидирша қишлоғининг табиати сўлим ва мафтункор. Тоғлар оша эсаётган сабо муаттар бўй таратади. Тошдан-тошга урилиб, жўшаётган жилғалар, бир-бирига уланиб кетган жаннатмакон боғлар кишига ҳузур бағишлайди. Қишлоқ ерлари қўшин давлат замини билан туташиб кетган. Зеро, аҳолисининг кўпчилик қисми ҳам қирғиз миллатига мансуб кишилар. Улар Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган ҳақ-ҳуқуқларидан тўла фойдаланган ҳолда бахтли ҳаёт кечиришмоқда.

БУЮК ДЎСТЛИК МАДАДКОР ҲАР ЖОНГА

Хидирша мустақиллик йилларида янада кўркамлашди. Уй соҳибаларини хушнуд этиб хонадонларга табиий газ келди. Ҳавас қилса арзигулик қишлоқ гузари ишга тушди. Унда савдо, маданий-маиший хизмат нуқталари мавжуд. Айни кўнларда ичимлик суви тармоқлари тортилмоқда. Бир-бирига ҳамкору ҳамжиҳат кишилар Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш орзусида сидқидилдан тер тўкмоқдалар. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Нўъмонхон ота Аҳмадалиев шундай ҳикоя қилади:

— Қўрғонтепа туманидаги «Хонобод» ширкат хўжалиги ҳудудида икки минг нафарга яқин киши истиқомат қилади. Барчамиз ҳукуматимиз, хусусан, муҳтарам Президентимизнинг яқиндан ёрдамини, меҳрибончилигини қалбдан ҳис қилиб яшаяпмиз. Ўзбеклар билан қиз олиб, қиз бериб қудаҚудағай бўлиб кетганмиз. Тўйларимизда бўлсангиз ҳавасингиз келади. Миллий халқ қўшиқлари, лапарлар ижро этилиб ҳар жонга дармон бағишловчи дўстлик тараннум этилади.

Қишлоқ кишилари асосан уруғлик сабзавот экинлари, чорва маҳсулотлари етиштириш билан машғул. Улар орасида ажойиб инсон Жалил Ниёзбековнинг ўрни бўлакча. 30 йилдан буён хўжаликда ҳалол тер тўкаётган миришкор ўнлаб шогирдлар етиштирди. Қишлоқни ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш ишига муносиб ҳисса қўшди. Дарвоқе, қирғиз дўстларимизга сифатли пахта етиштириш сирларини дастлаб ўргатган ҳам Жалил акадир.

Қишлоқдаги 6-ўрта мактабда хидиршалик ўғил-қизлар таълим олишади. Эътиборлиси шуки, қирғиз тилдаги дарсликлар керагича етказиб берилди. Кўпгина иқтидорли ёшлар олий ўқув юртларини муваффақиятли битириб, қадрдон қишлоқларига қайтиб келдилар.

— Шулардан бири ўзимман, — дейди ҳазил аралаш мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси Абдупатто Нодиров. — Энди мактаб меҳнат аҳлига қулай шароитлар яратиш, муаллимларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари устида бош қотираяпмиз. Кишилар ўртасидаги меҳр-оқибат кучайиб бораётганлиги барчамизни қувонтиради. Яқинда оталиқ ташкилот — Хонобод паррандачилик фабрикаси илм масканини таъмирлашда катта ёрдам кўрсатди. Ширкат хўжалиги эса керакли жиҳозларни олишда мададкор бўлмоқда.

Сўлим қишлоқ аҳолиси Ойимчахон Абдукаримова ҳақида яйраб гапиришади. Боиси, у ипак қурти парваришлашда ёшларга устоз.

— Сўнгги икки йил оиламиз учун омадли келди, — дейди моҳир пиллакор. — Уйлар қурдик, тўйлар қилдик. Энди худо хоҳласа кенжамга келин оламан деб турибман. Биз — оналарнинг нияти битта — юртимизда ҳамиша тинчлик бўлсин деймиз.

Файзли боғларни оралар эканмиз, шийпонда қўр тўккан ёшлар даврасидан таралаётган сатрлар қулоғимизга чалинади:

Асрларки, буюк дўстлик ҳамдам бўлар инсонга,
Асрларки, суюк дўстлик дармон берар ҳар жонга.
Шу дўстликдан диллар обод, ҳаётимиз фаровон,
У туфайли юртлар обод, тинчликка у соябон.
Ўзбек оға, қирғиз ова дўсту қардош қадимдан,
Қиз олишиб, қиз беришар, ишда сафдош қадимдан,
Ерлари ҳам, сувлари ҳам дилларидек туташтир,
Шунинг учун бўлишмас кам, юраклари оташдир.

У.САКСОНБОЕВ,
журналист.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИНИНГ УЧҚУР ҚАНОТЛАРИ

Саралаш мусобақаларида ғолиб чиққан 2 минг нафар ёш спортчи ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим тизими ўқувчиларининг Жиззах вилоятида бўлиб ўтаётган «Баркамол авлод» биринчи республика спорт ўйинларида иштирок этиш учун бу ерга йиғилди. Мусобақалар ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими республика маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Жиззах вилояти ҳокимлиги, республиканинг ва вилоятларнинг бошқа тузилмалари томонидан ташкил этилди.

Мазкур мусобақаларнинг «Баркамол авлод» ўйинлари деб аталиши бежиз эмас. Бу сўзларда чуқур маъно бор. Ўз мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлаётган Ватанимизнинг ёшлар давлати, деб ҳисобланиши бежиз эмас. Зеро, ёшлар мамлакат аҳолисининг қарийб ярмини ташкил қилади. Шу сабабли Ўзбекистон раҳбариятининг асосий эътибори ёшларни ҳам маънавий, ҳам жисмонан, ҳам ахлоқий етук инсонлар сифатида тарбиялашга қаратилган. Чунки, бу авлод мамлакатимизда янги, ҳуқуқий демократик жамият, иқтисодиёти юксак даражада ривожланган буюк давлатни барпо этиш ишида муносиб ворис бўлади.

Бу йил Президент Ислом Каримов томонидан Оналар ва болалар йили, деб эълон қилинган, «Соғлом авлод» давлат дастури амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда ҳаётга жорий этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муҳим таркибий қисмини ёш авлоднинг жисмоний тарбияси, уни оммавий тарзда спортга жалб этиш масаласи ташкил этади. Сунгги йилларда Ўзбекистон Республикаси байроғи кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда, жумладан Олимпия ўйинларида ҳилпиради. Спортчиларимиз Ватанимиз шуҳратини янада юксакалтиришга катта ҳисса қўшмоқда. Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг фақат Олимпиядалар учун спортчилар тарбиялашгагина эмас, балки мамлакатимизнинг энг олис бурчакларида ҳам оммавий спортни ривожлантириш, ёшларимиз ҳаётига соғлом турмуш тарзини сингдириш, шу орқали Ватанимиз шуҳратини оширувчи етук спортчиларни камол топтиришга йўналтирилган изчил сиёсатининг самарасидир.

... Республикамиздаги энг яхши спорт майдонларидан бири саналган «Жиззах» стадионига 10 минг томошабин сиғади. 30 апрел куни бу ерда «Баркамол авлод» ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Мусобақалар бошлангунга қадар нафақат мазкур стадион, балки вилоятдаги ўнлаб спорт майдонлари таъмирланди. Вилоят марказида, шунингдек, спорт мусобақалари ўтказиладиган Ғаллаорол, Бахмал, Пахтакор туманларида янги стадионлар, сузиш ҳавзалари, теннис кортлари қурилди. Бугунги кунда Жиззах вилояти бутун мамлакат эътибори қаратилган спорт марказига айланди. Бу ерда спортнинг еттита тури - футбол, волейбол, баскетбол, теннис, сузиш, кураш ва енгил атлетика бўйича мусобақалар ўтказилади.

Саралаш мусобақларида мамлакатимиз касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари, бошқа ўрта махсус ўқув юртларининг 276 минг ўқувчиси иштирок этди. Мамлакатимизда бундай оммавий мусобақалар ўтказиш борасида етарлича тажриба тўпланган. Ўтган йили Наманганда республика олий ўқув юртлари талабаларининг биринчи Универсиадаси бўлиб ўтган эди. Эндиги гал - мактаб ўқувчилари спартакиадасига . Бу спорт анжуманлари -давлатимиз раҳбари ташаббусига кўра мамлакатимизда бунёд этилаётган ягона тизимнинг узвий қисмларидир. Бу тизим фарзандларимизнинг, ҳар бир йигит-қизнинг иродали инсон бўлиб етишишига, уларда жасурлик, Ватанга муҳаббат, мустақиллик фазилатларининг шаклланишига, мард ва танти халқимиз билан фахрланиш туйғуларини тарбиялашга йўналтирилган.

... Жиззахга оқшом тушган бўлса ҳам, кўчалар ва боғлар сутдек ёруғ. Чиройли нур таратаётган ранг-баранг чироқлар, майин ҳилпираётган байроқлар кишига байрамона кайфият улашади. Марказий стадион узра «Баркамол авлод» спорт ўйинлари бошланишидан дарак берувчи оҳанглар янграйди. Стадионга спорт анжумани иштирокчилари бўлган жамоалар вакиллари кириб келади.

Анжуман иштирокчиларини Жиззах вилояти ҳокими Ш.Мирзиёев қутлайди.

(Давоми 2-бетда)

ГУЛРУҲ - ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ БИЛИМДОНИ

Навоийда «Президент асарлари билимдонлари» кўрик-танловининг шаҳар босқичи якунланди. Унда «Президент асарларини ўрганамиз» клуби аъзоларидан 9 нафари қатнашди. Ўқувчилар танлов мобайнида Юртбошимиз асарларини қанчалик чуқур билишларини, мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни ҳамда бу жараёнда фуқаролар, айниқса ёш авлоднинг ўрни хусусида нечоғли тассаввурга эга эканликларини намойиш этди.

Танлов баҳс-мунозараларга бой бўлди. Билимдонлиги, янгича дунёқараши, теран мушоҳадаси билан кўпчиликда чуқур таассурот қолдирган 12-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Гулруҳ Самадова биринчи ўринни эгаллаб, шаҳар бўйича «Президент асарлари билимдони» номига сазовор бўлди.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛДИ

Гулистонда бўш иш ўринлари ва лавозимлар ярмаркаси ўтказилди. Унда вилоят марказидаги 550 дан ошиқ бўш иш ўрнига эга 80 га яқин корхона ва ташкилот иштирок этди.

Ярмаркага ташриф буюрганлар корхоналар фаолияти, улардаги меҳнат шарт-шароитлари, бўш иш ўринлари сони, иш ҳақи тўғрисида маълумот олишди. Ҳуқуқшунослар, ходимлар билан ишлаш бўйича мутахассислар ишга жойлашишни хоҳловчиларга маслаҳатлар беришди.

Ярмарка куни кадрларга эҳтиёж сезаётган «Лола» акционерлик жамияти, қурилиш ташкилотлари, тиббиёт муассасаларидаги бўш иш ўринлари деярли тўлдирилди. Меҳнат ярмаркасига келган 30 нафардан ошиқ киши махсус касбга йўналтириш курсларига қабул қилинди.

(ЎзА).

«ОСАКАДАН КЕЛИБ ҚЎНДИ»

28 апрел шанба оқшомида Тошкент халқаро аэропортида шундай хабар янгради. Аэропортдагилар Кунчиқар мамлакатдан янги Тошкент-Осака-Тошкент халқаро авиа йўналиши бўйича қатнаётган дастлабки самолётни ҳаяжон билан кутиб олишди. Ушбу рейс «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКнинг 2001 йилдаги ёзги учишларини бошлаб берди.

Ушбу воқеа муносабати билан аэропортда уюштирилган учрашувда сўзга чиққан Бош вазир ўринбосари А.Исаев Япония билан ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон учун алоҳида аҳамиятга эга эканлигини қайд этди. Ушбу давлатнинг молиявий-иқтисодий кўмаги мамлакатимизни ривожлантириш стратегик режаларини амалга оширишда муҳим рол ўйнайди.

2000 йил май ойида Тошкентда Ўзбекистон ва Япония авиация маъмуриятлари ўртасида Меморандум имзоланган эди. Бу ҳужжатга мувофиқ «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКга жорий йилнинг апрел ойидан Тошкент-Осака-Тошкент йўналиши бўйича ҳафтада бир марталик мунтазам рейсларни йўлга қўйиш рухсат этилди. Рейс замонавий Боинг-767, Боинг-757 ва А-310 самолётларида амалга оширилади.

Тошкент-Осака-Тошкент рейси «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг 53-халқаро йўналиши бўлиб, авиакомпаниянинг 10 йиллик тарихида катта ютуқдир.

Шу куни янги йўналиш бўйича Тошкентга етиб келган 400га яқин япон сайёҳлари учун Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларига махсус саёҳатлар уюштирилди.

Тошкент-Осака-Тошкент йўналиш бўйича дастлабки йўловчилар билан учрашувда Японияниг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Киоко Накаяма хоним иштирок этди.

А. ТЎЙЧИБОЕВА,
ЎзА мухбири.

«ҲАВАС»ГА ҲАВАС ОРТМОҚДА

Спорт — соғлом турмуш тарзи гаровидир. Шу билан бирга, юрт шуҳратини дунёга ёйишда ҳеч бир нарса спортга тенглашолмайди. Бу эътироф этилган ҳақиқат, исбот талаб қилинмайдиган аксиома, гўё. Шу туфайли ҳам юртимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ спортга, хусусан, «сеҳрли ўйин» саналмиш теннис ривожи, унинг оммавийлиги йўлида катта ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда жаҳоннинг энг моҳир ракетка усталари иштирокидаги анъанавий «Президент кубоги» халқаро турнири ва аёллар «Челленжер» мусобақаси каби бир қатор катта теннис беллашувлари зўр муваффақият билан ўтказилаётир. Бу, табиийки, мазкур спорт тури ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Яна саноқли кунлардан сўнг муҳташам «Динамо» спорт мажмуи теннис кортларида бир неча йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган республика «Ҳавас» турнири бошланади. Унда мамлакатимиз раҳбар ходимлари — ўнлаб маҳоратли ҳаваскор теннисчиларнинг иштирок этиши кутилмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши маданият ва спорт бўлими етакчи мутахассиси Наима Жабборова мусобақа хусусида қуйидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди:

— Мен ўтган йилги мусобақаларда қатнашган эдим. Машғулотлар мобайнида бир қатор иштирокчиларнинг катта тажриба, маҳоратга эга эканлигининг гувоҳи бўлдим. Биласизми, мусобақаларни бевосита иштирокчиси бўлиб ва ёки кузата туриб, турнирда қатнашувчи ҳаваскор теннисчиларнинг йилдан-йилга, мусобақадан-мусобақага маҳоратлари ошиб бораётганлигига ишонасиз. Айниқса, уларнинг ғалабага бўлган юксак иштиёқлари, интилишларидан беихтиёр ҳаяжонга тушасиз. Ўйлайманки, «Ҳавас» турнири гўзал спорт тури — теннисни оммавийлаштириш учун энг муҳим омил бўлиб қолаверади.

Дарҳақиқат, вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган турли спорт тадбирлари ёшларимизни чиниқтирмоқда. Ва айни пайтда кўплаб истеъдодли ёш теннисчиларнинг камол топишига ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Шу сабаб ҳам «Ҳавас»га ҳавас тобора ортиб бораяпти.

О.КАМОЛОВ.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач юртимизга кўплаб хорижий мамлакатларнинг сармоялари оқиб кела бошлади. Бунинг сабабини Ватанимиздаги тинчлик ва барқарорлик, энг асосийси мамлакатимизнинг юксак потенциали билан боғлаш мумкин. Кўплаб чет эллик ишбилармонларнинг ишончлари ўлароқ юртимизда қатор қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ана шундай қўшма корхоналардан бири «Кабул-Ўзбек КО» бугунги кунда ишлаб чиқараётган маҳсулотларини 15 та хорижий мамлакатларга экспорт қилмоқда. Шу йилнинг биринчи чорагидан бошлаб харидор мамлакатларнинг сони яна иккигага ортди.

Суратларда: моҳир ип йигирувчи Нилуфар Мирзалиева; Жанубий кореялик мутахассис Чу Ан ишчилар билан.

Р.АКБАРАЛИЕВ олган суратлар.

Ижтимоий ҳимоя

Текис, равон йўлларда елиб бораётган автомашиналарни кўриб беихтиёр кўзинг қувнайди. Шунда кўз олдимиздан қиш-у ёзда тиним билмай меҳнат қилаётган йўлсозлар намоён бўлади. Яқинда шерободлик йўлсозлар қандай шароитда меҳнат қилаётганликлари, уларнинг ижтимоий ҳимояси билан қизиқиб ушбу жамоада бўлдик.

МАЛАКАЛИ ХОДИМЛАРГА

қўшимча иш ҳақи

Шеробод автомобил йўллар бошқармаси бошлиғи Нортожи Абдулаҳадов бизни ишчилар ҳузурига етаклади. Улар Бандихон тумани ҳудудида, шунингдек, Сариосиё ва Узун туманларининг тоғли қишлоқларидан кўчириб келтирилган одамлар жойлаштирилиши керак бўлган манзилда 4 километр масофали йўл қурилишини олиб боришаётган экан.

Маълум бўлишича, ўтган йили шерободлик бунёдкорлар 123 километр масофадаги йўлларни таъмирлаб, йиллик режани 106 фоизга бажаришди. Бу йил ҳам улар уч ойда салкам 30 миллион сўмлик ишни қойилмақом қилиб уддалашди.

Шуни таъкидлаш керакки, мазкур бошқармада 2000 йил бошида ўртача иш ҳақи 7 минг сўм бўлган бўлса, бугунга келиб бу миқдор 15 минг сўмни ташкил этмоқда. Маъмурият ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномасига мувофиқ, ҳар ойда оғир ва ноқулай шароитда меҳнат қилаётганларга иш ҳақининг 15 фоизи, малакали мутахассисларга 18 фоиз, газ ёқилғисида ишлаётган автомобил ҳайдовчиларига 12 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ тўланмоқда. Бундан ташқари, йўл ҳақи сифатида маошнинг 20 фоиз, ҳар чоракда эса 40 фоизи миқдорида мукофот пули берилади. Яна ўртача 20 минг сўмдан ўн учинчи ҳамда ўн тўртинчи маош ҳам оладилар. Яқинда, 5 нафар ишчининг тўй-ҳашамларига моддий ёрдам кўрсатилди.

160 нафар ишчи-хизматчи белгиланган режа асосида меҳнат таътилига чиқади. Ишчилар орасида 4 нафар 18 ёшга тўлмаганларга ҳамда ногиронларга 30 иш кунлик ҳақ тўланадиган таътил берилади. Шунингдек, кўп йиллик иш даврига эга, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди бор ишчиларга, 16 ёшга тўлмаган ногирон фарзанди борларга қўшимча 3 иш куни таътили берилиши йўлга қўйилган. Тўй қилаётганлар, йирик санани нишонлаётганлар, янги уйга кўчганлар ҳам шундай имтиёздан фойдаланадилар.

— Меҳнат муҳофазаси бўйича махсус хона ажратганмиз,— дейди бошқарма бош муҳандиси Абдуғаффор Худойшукуров. — У кўргазмали қуроллар, стендлар билан жиҳозланган. Меъёрий ҳужжатлар асосида ҳар ҳафтанинг жума куни ишчиларга йўриқномалар ўтилади. Машғулотлар махсус журналларга қайд этиб борилади. Жамоа аъзолари ташкилот ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтказилади. Барча ишчи-хизматчилар иш кийимлари билан таъминланган. Бунинг учун ўтган йили 650 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфладик.

— Қабул қилинган жамоа шартномамизга биноан, - дея суҳбатга қўшилди бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Шерали Ёдгоров, - зарарли жойда ишлаётганлар ҳар куни бир литрдан сут ёки қатиқ олишади. Олисдан қатнаб ишловчиларга бепул 3 маҳал иссиқ овқат тайёрланади. Унумли ишдан сўнг ювиниш учун сауна ишлаб турибди. Шунингдек, ташкилотимиз ихтиёрида тегирмон ва мойжувоз бўлиб, ишчи-хизматчиларга бепул хизмат кўрсатилади.

Бундан ташқари ҳар йили 35-40 нафар меҳнаткашлар фарзандлари «Чашма», «Вахшивор» оромгоҳларида касабақўм ҳисобидан ҳордиқ чиқарадилар. Бугунги кунда нафақада бўлган Тожи Чориев, Ҳасан Алиқулов, Азиз Шарипов, Турсоат Мирзаев, Ўроқ Саидумаров, Рўзи Яхшиев каби табаррук кишиларга меҳр-оқибат кўрсатиб келиняпти. Жамоада кўпга ибрат бўлаётган Норқувват Раимов, Тўра Ёдгоров, Тўра Каримов, Абдусалом Баратов, Умрзоқ Тилабов, Ўрол Исмоилов, Райҳона Жумаева, Муҳаббат Нормуродовалар пул мукофотига сазовор бўлдилар. Яқин кунларда бошқармада меҳнат қилаётган 25 нафар ишчи-хизматчининг оила аъзолари Самарқанд, Тошкент шаҳарларига саёҳатга бориб келишлари учун кетадиган харажат маъмурият ва касабақўм ҳисобидан қопланади.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.



МЕҲНАТ АРДОҚЛАГАН КИШИЛАР

Эл-юртини суйган инсон қайси касбда меҳнат қилишидан қатъи назар шу юрт учун ўзидан нимадир қолдиришни истайди. Зеро, яхши ният ила амалга оширилган эзгу ишлар келажак авлод учун мерос, демакки мангуликка дахлдордир.

Суратларда: 1. Яккабоғ автомобил йўллар бошқармаси автогрейдер ҳайдовчиси Абдураҳмон Кўчаров. 2. Косонда ёғочсоз уста Икром Тўраев ясаган буюмлар кириб бормаган хонадон йўқ ҳисоби.

Шавкат СУЛТОН олган суратлар.

ҲУНАРЛИ ХОР БЎЛМАС

Пойтахтимизнинг «Оқтепа» мавзесидаги «Мутахассис» ўқув марказида шу кунгача 100 мингдан ортиқ малакали мутахассислар тайёрланди.

Бу масканда касб-ҳунар ўрганган ёшлар нафақат республикамизда, балки ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам бунёдкорлик ишларини олиб бормоқдалар.

Унинг афзал томонларидан бири қисқа вақтда ўқувчилар бирор касб-ҳунар эгаси бўлишади. Марказда амалий машғулотларга алоҳида эътибор берилади. Бу ерда республикамизнинг турли вилоятларидан келган ёшлар таълим олмоқда. Баъзи мутахассисликлар бўйича ўқиш кечки сменада ҳам ташкил этилган. Йилига 2-2,5 минг ўқувчи касб-ҳунар ўрганмоқда. Ўқишни битирганларга гувоҳнома ёки диплом берилади.

О.ЭРГАШЕВ.

ЗАРКЕНТЛИКЛАР

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

Тоғлар пойидаги Заркент қишлоғига тўйга борганимизда қўшни тумандан келган меҳмон шундай деб қолди:

— Йўл-йўлакай икки жойда дўконга кирдик. Ажабо, ҳамма нарса бор. Ундан тортиб гуручгача. Ноозиқ-овқат моллари етарли. Юқори ташкилотлар чекка қишлоқларга алоҳида эътибор беришади-да. Бизда эса гугурт бўлса, совун топилмайди. Ун бўлса, гуруч излаб бошқа ерга боришингга тўғри келади.

— Етказиб беришлар аллақачон тугаб кетганку, биродар, — мезбонлардан кимдир гап қўшди. Ҳаммасини ташкилотларнинг ўзлари топиб келишади. Буларнинг бари матлубот жамиятимиз жамоасининг меҳнати самараси.

Дарҳақиқат, ўндан ортиқ қишлоқ ёки 50 минг нафар аҳолига савдо хизмати кўрсатаётган Янгиқўрғон туманидаги Заркент матлубот-савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятига қарашли дўконларга кириб келсангиз қуруқ чиқиб кетгингиз келмайди. Бу ерда Вазирлар Маҳкамасининг қарорида кўрсатилган 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг доимий равишда бўлишидан ташқари ноозиқ-овқат моллар таъминоти ҳам йўлга қўйилган.

— Албатта, булар осонликча бўлмаяпти, — дейди суҳбатдошимиз матлубот савдо жамиятининг раиси Мухторжон Асроров. — Тадбиркорлик қилишга тўғри келяпти. Қолаверса, биз фақат таъминот ташкилотларидан зарур моллар келтириш билангина кифояланиб қолмаяпмиз. Таъминотни яхшилашда маҳаллий заҳиралардан ҳам унумли фойдаланмоқдамиз. Шунингдек, ўзимизда ишлаб чиқаришни ташкил этишга эътиборни кучайтирганмиз.

Ҳиссадорлик жамияти фаолияти билан танишиш жараёнида юқоридаги фикрлар асосли эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Чунончи, бу ерда бир неча йилдирки, турли хил нон маҳсулотлари тайёрлаш кичик корхонаси фаолияти йўлга қўйилган. Ўтган йилда ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Натижада четдан шу турдаги маҳсулотларни келтиришга ҳожат қолмади. Ҳозир эса қанд ишлаб чиқариш цехини қуриш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Маълумки, озиқ-овқат маҳсулотлари сероблигига ва арзон бўлишига эришиш тайёрлаш идоралари ходимлари куч-ғайратига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу борада матлубот жамиятида катта тажриба тўпланган. Хўжаликларда боғдорчилик ва сабзавотчилик ривожланганлиги боис, тайёрловчилар кучи билан ўтган йилда 52 тонна картошка, 300 тонна сабзавот, 150 тонна мева, 20 тонна полиз маҳсулотлари, кўплаб мева сотиб олинди. Шунингдек, 5 тонна гўшт етиштирилиб аҳоли дастурхонига тортиқ этилди. Умуман, марказлашган манбалардан 9 миллион 19 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 2 миллион 538 минг сўмлик ноозиқ-овқат моллари келтирилиб савдо шахобчаларида сотилди.

Ўтган йилнинг бошларида аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига нисбатан эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида чорвачилик ёрдамчи хўжалиги ташкил этилган бўлиб, у ерда 32 бош қорамол боқилмоқда. Бу — дўконларда гўшт ва сут маҳсулотларининг доимий равишда мавжуд бўлишини таъмин этмоқда. Чорва учун 27 гектар ер ажратиб берилган. Бу ерда деҳқончилик қилиняпти. Қолаверса, шу майдондан чиқадиган маҳсулотни сотиш эвазига келадиган даромаддан омухта ем, хашак сотиб олинмоқда. Жорий йилда чорва бош сонини 60 тага етказиш, маҳсулот олишни кескин кўпайтириш режалаштирилган. Амалга оширилаётган ана шундай ташкилий тадбирлар самараси ўлароқ ўтган йилда нақд пул тушуми режаси уддаланиб, 6 миллион сўмдан ортиқ соф фойда олишга эришилди. Бу эса акциядорлар олаётган даромадга ҳам барака киритди. Масалан, 1999 йилда бир дона акцияга 2090 сўм девидент тўғри келган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 2839 сўмни ташкил этди.

Шунингдек, бу ерда ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш масаласига катта эътибор берилмоқда. Ишчилар учун тушлик овқат бепул. Ишловчиларни, кўп болали, кам даромадли ходимларни, ёлғиз қарияларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун ўтган йили 1 миллион 472 минг сўм маблағ сарфланди. Бундай саъй-ҳаракатларни янада жонлантириш, аҳоли таъминотини яхшилаш чоралари кўрилмоқда.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИНИНГ УЧҚУР ҚАНОТЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиевга берилади. У Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Баркамол авлод» биринчи республика спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттиради.

«Баркамол авлод» биринчи республика спорт ўйинлари очиқ деб эълон қилинади.

Стадион узра Ўзбекистон Республика Давлат мадҳияси янграйди. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг «Баркамол авлод» биринчи республика спорт ўйинлари байроғи кўтарилади. Мусобақа иштирокчиларининг тантанали қасамёди янграйди.

«Баркамол авлод» ўйинлари машъаласи ёқилади, бу машъала Тошкент вилоятида жойлашган «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтининг катта қуёш печидан ўт олган. Уни спорт соҳасида улкан ютуқларга эришган йигит-қизлар Тошкент ва Сирдарё вилоятлари узра қўлма-қўл олиб келдилар. «Баркамол авлод» биринчи республика спорт ўйинлари машъаласини ёқиш шарафи бокс бўйича 1998 йилги Жаҳон кубоги соҳиби Лазиз Зокировга насиб этди.

«Баркамол авлод» мусобақалари иштирокчиларининг кўргазмали чиқишлари бошланади. Сўнгра майдонга таниқли рақс жамоалари, ўзбек эстрадаси юлдузлари чиқади. Улар театрлаштирилган томошаларни бошлаб беради.

Шундай қилиб, мамлакатимизда биринчи «Баркамол авлод» ўйинлари бошланди. Мусобақалар Жиззах вилоятининг кўплаб спорт майдонларида 5 майгача давом этади.

А.ИВАНОВА,
Й.ЖЎРА,
ЎзА мухбирлари.

БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАР АНЖУМАНИ

Бухорода республика тиббиёт институтлари талабаларининг илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда 1-ва 2-ТошМИ, Тошкент педиатрия ва фармацевтика институтлари, Андижон, Самарқанд, Бухоро тиббиёт институтлари, 2-ТошМИнинг Фарғона филиали, 1-ТошМИнинг Хоразм филиали, Педиатрия институтининг Нукус филиалларида таҳсил олаётган иқтидорли талабалар қатнашди.

Анжуманда сўзга чиққан бўлажак шифокорлар тиббиётнинг соғлом авлод тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти, болалар ва ўсмирлардаги морфометрик кўрсаткичлар, она сутида гидролитик ферментларнинг фаоллиги, чақалоқларда сон суяги синишини даволаш каби мавзуларда маъруза қилдилар. Ялпи мажлисдан сўнг секцияларга бўлинган ҳолда машғулотлар ўтказилди. Энг яхши маърузалар тиббиёт-шунос олимлар томонидан муносиб баҳоланди.

(ЎзА).

Шартнома шартлари қандай бажарилмоқда?

ДАЪВОГАРНИНГ ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗИ

Дўстлик туманидаги «Маданият» хусусий кичик корхонаси ўтган йили ўз тасарруфидаги экин майдонидаги ғаллани вақтида ва сифатли ўриб-янчиб олиш мақсадида туман машина-трактор парки Давлат акциядорлик жамияти рахбари билан 15 март куни шартнома тузди.

Икки томонлама манфаатли шартноманинг 2.3-бандига кўра буюртмачи туман МТП ҳисоб рақамига ғаллани ўриб бериш учун 100 минг сўм миқдорида бўнак пули ўтказиб берди.

Лекин ижрочи — МТП раҳбарияти қайта-қайта мурожаатга қарамай шартнома шартларини асоссиз равишда бажармади. Ғалла ҳосили ўз вақтида ўриб-йиғиб олинмаганлиги оқибатида «Маданият» хусусий кичик корхонаси жиддий иқтисодий зарар кўрди. Кичик корхона бошқа ўрим-йиғим техникаларини ёллаб ишлатишга мажбур бўлди.

«Маданият» хусусий кичик корхонаси келтирилган зарарни ундириш юзасидан вилоят хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилди.

Аниқланишича, даъвогар ҳақ бўлиб чиқди. Дўстлик туман МТП маъмурияти даъвогарга шартномадаги хизматни ўз вақтида кўрсатмаганлиги оқибатида етказилган иқтисодий зарар миқдори 37700 кг ғаллани ташкил этган.

Вилоят хўжалик суди ишни ҳар томонлама кўриб чиқиб, «Маданият» хусусий кичик корхонаси фойдасига Дўстлик туман МТП ҳисобидан 2927500 сўм ундириб бериш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. Шунингдек, барча харажатлар жавобгар томонидан қопланадиган бўлди.

Шу ўринда ҳақли мулоҳаза туғилади: агар шунча миқдордаги пул МТП раҳбарининг нақд чўнтагидан олиб берилганида, балки бундай боқибеғамликка чек қўйилган бўлармиди?

А.МАМАТМУСАЕВ,
Жиззах вилоят хўжалик судининг судьяси.
А.АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

МАФТУНКОР ДУНЁ БЎЁҚЛАРИ

Самарқандда вилоят ногиронлар жамияти ташаббуси билан 14 ёшгача бўлган истеъдодли ногирон болалар ўртасида ана шу мавзуда кўрик танлов ўтказилди. Унда вилоятнинг барча туманларидан 55 нафар ёш мўйқалам соҳиби иштирок этди. Тадбирдан мақсад ногирон болалар орасидан истеъдод эгаларини аниқлаш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат эди.

Танлов иштирокчилари чизган суратларда Она-Ватан манзаралари, она сиймоси, озодлик, тинчлик, дўстлик, беғубор болалик олами тараннум этилган. Улар ёш кўнгиллардаги ҳаётга жўшқин меҳр-муҳаббат, соғлом орзу интилишлардан далолат беради.

Самарқанд шаҳридаги 61-махсус интернат ўқувчиси Олимжон Узоқов биринчи ўринни эгаллаб, танлов ғолиби деб топилди. Энди у август ойида Тошкентда бўлиб ўтадиган «Мафтункор дунё бўёқлари» халқаро кўрик-танловда иштирок этади.

ЯНА БИР АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ

Жиззахнинг кўркига-кўрк қўшиб турган маданий-маърифий иншоотлар, ўқув даргоҳлари қаторига яна бир билим ўчоғи -иқтидорли болалар академик лицейи қўшилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган йиғилишда сўзга чиққанлар мазкур гуманитар йўналишдаги лицей биносининг фойдаланишга топширилиши бу ерда «Баркамол авлод» спорт мусобақалари тантанали очилиши маросими билан бир вақтга тўғри келганида катта рамзий маъно борлигини таъкидладилар.

Олотда «Бухороролқурилиш» акционерлик жамияти қурувчилари 750 ўринли коллеж биносини бунёд этишмоқда.

ОЛОТНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

— Бу бино туманимиз маркази чиройини янада очиб юборади, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари Исоқ Полвонов «Туркистонпресс» мухбирига. — Бундан ташқари бунёдкорлар туман суди ва «Турон» банки бўлимининг янги биносини ҳам мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйи арафасида топшириш мўлжаллашган. Яқинлашиб келаётган Хотира ва қадрлаш куни олдидан туманимизда маданият ва истироҳат боғи, хотира майдони ҳам қайта таъмирланмоқда, - деди сўзининг якунида И.Полвонов.

МУКОФОТ ПУЛИДАН АЛИМЕНТ УШЛАНАДИМИ?

Саволларингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

САВОЛ: Мен биринчи оилам билан 1997 йил 1 апрелдан буён бирга яшамайман ва икки нафар фарзандим учун 33 фоиз миқдорида алимент тўлайман. Моддий ёрдам ва мукофот пулларидан ҳам алимент ушланадими? Агар ушланса, унинг миқдори қанча ва қай тартибда?

Хорижга, яъни Кореяга малака оширишга бориб ишлаган тақдиримда у ердаги маошимдан ҳам алимент олинадими?

Биринчи оилам билан никоҳимизни муддатсиз бекор қилдиришим учун қанча миқдорда давлат божи тўлашим керак.

Шавкат ИБРАГИМОВ, Асака шаҳар, Жомий кўча 81-уй.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 96-моддасига мувофиқ ота-оналар вояга етмаган болаларига таъминот беришлари ва тарбиялашлари шарт.

Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота-оналардан суднинг ҳал қилув қарорига асосан алимент ундирилади.

Оила Кодексининг 98-99-моддасига асосан ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериш учун алимент тўлаш тартибини ўзаро келишган ҳолда белгилайдилар. Агар келишув қарор топмаса, болаларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва даромадининг бир бола учун:

— тўртдан бир қисми, икки бола учун — учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун — ярмиси миқдорида ундирилади. Шундай экан, суд томонидан белгиланган алимент сизнинг барча даромадингиздан, жумладан, хориждаги даромадларингиздан ҳам, олаётган мукофот пулларингиздан ҳам, вояга етмаган болаларингизга қонунда назарда тутилган тартибларда ундириб берилади. Бироқ моддий ёрдам пулидан алимент олинмайди.

Энди болаларингизга тўланадиган алиментнинг миқдорини камайтириш масаласига келсак, сизнинг аризангиз асосида суд моддий ёки оилавий аҳволингизни ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларингизни ҳисобга олган ҳолда алимент миқдорини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Никоҳдан ажратиш суд томонидан Оила Кодексининг 7-боби талабларига асосланиб ҳал қилинади. Никоҳни бекор қилишда тўланадиган бож миқдорини хоҳлаган фуқаролик ишларини кўрувчи суд идораларидан билишингиз мумкин.

САВОЛ: Тўлиқсиз иш вақти нима? Кимлар тўлиқсиз иш вақтида ишлаши мумкин? Шу ҳақда тушунча берсангиз.

М.ТУРДИАЛИЕВ, Тошкент тумани.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 119-моддасига мувофиқ тўлиқсиз иш вақти тўлиқсиз иш куни ва тўлиқсиз иш ҳафтасини ўз ичига олади.

Меҳнат Кодексининг 115-моддасидан маълумки, ходимлар учун иш вақтининг ўртача муддати ҳафтасига 40 соатдан ортиқ бўлмаслиги керак. Лекин айрим касб эгалари, ходимларга тўлиқсиз иш куни ўрнатилиши кераклиги қонунларда кўрсатиб ўтилган. Меҳнат Кодексининг 119-моддасига кўра ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга асосан ишга қабул қилиш вақтида ҳам, кейинчалик иш давомида ҳам ходимга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси ўрнатилиши мумкин.

Демак, бу кўрсатиб ўтилган ҳолда тўлиқсиз иш вақти ўрнатишни бир томонлама ҳал қилиб бўлмайди. Шу ерда иш ҳақи қандай миқдорда тўланади деган ҳақли савол туғилади. Бу саволга жавоб битта: тўлиқсиз иш вақти шарти билан ишлаган ходимга унинг ишлаган вақтига ёки ишлаб чиқарган маҳсулотига мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

Меҳнат Кодексининг 118-моддаси ва Конституциявий суднинг 12 март 1998 йилдаги қарорига асосан тиббиёт ходимларига ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган иш вақти белгиланган. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 11 март 1997 йил 133-сон Қарори билан меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган лавозимлар рўйхати ҳамда уларга ўрнатилган тўлиқсиз иш вақти тасдиқланган.

Меҳнат Кодексининг 220-моддасига асосан ишлаётган биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланган. Қонунчилигимизда ёшлар учун иш вақтига оид бўлган қўшимча кафолатлар берилган. Меҳнат Кодексининг 242-моддасида иш вақтининг муддати ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига 24 соатдан, ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлганларга ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланган.

Кўрсатиб ўтилган ходимлар қисқартирилган иш вақтида ишласалар ҳам Меҳнат Кодексининг 116-моддаси асосида уларга тўлиқ иш вақти ҳисобида ҳақ тўланади.

Қонунда таътил даврида ўн тўртдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчиларнинг ишлашларига рухсат берилган. Уларга ҳафтасига 24 соатдан ошмайдиган иш вақти белгиланиб, фақат уларнинг ишлаган вақтига мутаносиб равишда ёки ишлаб чиқарган маҳсулотига қараб ҳақ тўланади.

Қонун барча учун баробар

МАҲСУЛОТ ТОПШИРСА-Ю, ҲАҚИНИ ОЛОЛМАСА...

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан аниқланган қонунбузарликни бартараф қилиш мақсадида 87 та тақдимнома, 92 та амрнома ва 117 та огоҳнома киритилди ва 105 нафар шахсга интизомий, 22 кишига маъмурий, 4 нафар шахсга моддий чора кўрилди. Бу ҳақда «Туркистон-пресс» мухбирига Республика прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғининг ўринбосари Ихтиёр Жумағалиев қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Айрим маҳаллий раҳбарлар иқтисодий қонунларни бузяпти. Оқибатда бундан фермер тадбиркорлар жабр кўряпти, — таъкидлади И.Жумағалиев. — Масалан, Чимбой туманидаги «Майжап» жамоа хўжалиги шоли етиштириб бериш бўйича «Роҳат» фермер хўжалиги билан шартнома тузган. Йил якунида жамоа хўжалиги фермердан шолини олгану лекин пулини бермаган. Прокуратура аралашгач «Мажайп» жамоа хўжалигидан «Роҳат» фермер хўжалиги фойдасига 814 минг 463 сўм ундириб берилди.

Хўжайлилик М.Шержоновга фермер хўжалигини рўйхатга олиш, Ҳамза номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидан 6 гектар ер ажратиб бериш ҳақида туман ҳокимининг қарори берилган. Бу қарор асосида фуқаро М.Шержонов ўтган йиллар давомида ширкат хўжалигига 136 минг 252 сўмлик сут маҳсулотларини топширган бўлса-да, пулини ололмаган. Шунингдек, ширкат хўжалиги раҳбари фермерга 6 гектар ер майдонини маҳсулот топширмади деб, бермаган. Бу ҳолат Хўжайли туманлараро прокуратураси томонидан ўрганилиб, Ҳамза номли ширкат хўжалиги раҳбарига амрнома ва қонунбузилишига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳнома берилди.

Нукус туманидаги «Шолпан» фермер хўжалиги раҳбари В.Узоқберганова «Тадбиркорбанк»дан кредит олмай овора бўлаётгани учун прокуратурадан ёрдам сўради. Ходимларимизнинг аралашуви билан фермер «Пахтабанк»нинг Нукус тумани бўлимидан бир миллион сўм кредит билан таъминланди.

Тўрткўл туманидаги «Маҳмуд-Б», «Шер»,«Муллаамурод», «Арслон» ва «Тўлқин» фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги техника хизмати кўрсатиш тўғрисида «Пахтаобод» машина-трактор саройи билан шартнома тузганлар. Лекин акциядорлик жамияти томонидан шартнома талаби бажарилмагани сабабли фермерлар ўз даласига чигит эколмаганлар. Чигит экиш ишлари кечикиб кетган. Бундай салбий ҳолатлар «Рафаэл», «Қаҳрамон КА» фермер хўжаликлари билан «Тўрткўл машинатрактор саройи» ўртасида ҳам юз берди. Қонун бузилишни дарҳол бартараф этиш ҳақида Тўрткўл ва «Пахтаобод» машинатрактор саройи раҳбарларига амрномалар берилди.

«Туркистон-пресс».

OLAMDA

ОТТАВА. Канаданинг Ванкувер, Оттава, Монреал ва Торонто шаҳарларида истиқомат қилаётган хитойликлар АҚШнинг Тайванга қурол-яроғ сотиш ҳақидаги режасини кескин қоралади. Тайван масаласи Хитойнинг ички иши ва бунга АҚШнинг аралашишга ҳаққи йўқ. Бундай ҳаракат Тайван бўғозида жиддий низо келтириб чиқариши мумкин, деди хитойлик муҳожирлар.

***

БУХАРЕСТ. Руминияда Европанинг ўн олти мамлакати атроф — муҳитни муҳофаза қилиш вазирларининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Карпат тоғи ва Дунай дарёси экологиясини муҳофаза қилиш, хавфсизлигини таъминлаш ва ушбу минтақада жойлашган давлатларнинг бу борадаги алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисда таъкидланишича, Болқондаги нотинчлик Дунай дарёсида юк ташиш ҳажмининг кескин камайишига олиб келган. Хусусан, дарёда 90-йилларда йилига юз миллион тонна юк ташилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич ўттиз миллионга тушиб қолган.

***

ВАШИНГТОН. «24 гуруҳи» аъзолари иштирокида ўтган халқаро анжуман қатнашчилари иқтисоди бақувват давлатларни ривожланаётган мамлакатларга янада кўпроқ ёрдам кўрсатишга чақирди. АҚШ, Япония ва Ғарбий Европа давлатларининг иқтисоди йилдан йилга тараққий этяпти. Бироқ улар ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатишни ўйлаётгани йўқ, деди тадбир иштирокчилари. Шунингдек, улар Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармасидан бундай давлатларга кўпроқ сармоя ажратишни сўради.

***

ТИРАНА. Ўтган куни Македония чегара қўшинлари билан албан айирмачилари ўртасида яна отишма юз берди. Македония ички ишлар вазирлиги вакилининг айтишича, Титово шаҳри шимолидаги Вейц патрул хизматига кутилмаганда албанларнинг «Миллий озодлик армияси» жангарилари ҳужум қилган. Натижада саккиз нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган ва бир неча киши жароҳатланган.

Хабарларга қараганда, Македония президенти Борис Трайковский чегарадаги нотинчлик сабаб Руминияга режалаштирган сафарини бекор қилган ва хавфсизлик хизмати раиси, мудофаа ва ички ишлар вазирлари иштирокида фавқулодда мажлис ўтказган.

***

ПАРИЖ. Франция Яқин Шарқ мамлакатларини минтақадаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал қилишда янада кўпроқ фаоллик кўрсатишга чақирди. Куч ишлатиш йўли билан можарони ҳал қилиб бўлмайди. Қарама-қарши томонлар ўқ отишни тўхтатиб, сиёсий музокараларни бошламоғи лозим, деди мамлакат ташқи ишлар вазири Юбер Ведрин. Шунингдек, у Европа Иттифоқи давлатлари ҳам тинчлик жараёнида фаол қатнашиши лозимлигини айтди.

***

БАҒДОД. Ироқ ҳукумати расмий вакили АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий самолётлари одамлар яшаётган ҳудудларга яна зарба берганини маълум қилди. Унинг айтишича, бу ҳужум натижасида бир киши ҳалок бўлган ва кўплаб фуқаролар жароҳатланган. Буюк Британия мудофаа вазирлиги бу операцияда расмий инглиз самолётлари иштирок этмаганини билдирди.

(ЎзА).

NIMA GAP

ЎТМИШ САДОЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Темурийлар тарихи давлат музейида мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон Мозий дурдоналари» мавзуидаги кўргазманинг очилиш маросими олдидан матбуот анжумани ўтказилди.

— Ушбу кўргазма бутун жаҳонга мустақил Ўзбекистон давлатининг қадимий ва бой тарихга эга эканлигини намойиш этади, - деди Темурийлар тарихи Давлат музейи директори Нозим Ҳабибуллаев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Кўргазмамиз икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмини «Қадимги аждодларимиз тарихи» деб номладик. Унда инсоният тарихининг қадимги даври ҳақидаги маълумот Фарғона вилояти Сўх туманидаги ашёвий далиллар асосида етказилади. Олимлар олиб борган тадқиқотлар ва бу топилмалар одамзод Ўзбекистон ҳудудида бундан 1 миллион 200 минг йил аввал яшаганлигини кўрсатади. Кўргазмада турли иш қуроллари, кулолчилик, заргарлик буюмлари намойиш этилади. Айниқса, Сурхондарё вилоятидаги Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларидан топилган ашёвий далиллар Ўзбекистонда шаҳар маданияти бундан 3,5-4 минг йил аввал шаклланганлигини, шунингдек давлатчиликнинг ташкил топиши қадимийлигини кўрсатади.

— Кўргазманинг иккинчи қисмини «Ўзбекистон диёрида диний бағрикенглик» деб номладик. У қадимда Ўзбекистондаги бир неча динлар — зардуштийлик, буддавийлик, христианлик ва ислом дини ҳақида ашёлар асосида ҳикоя қилади. Кўргазмадан зардуштийликнинг қадимий китоби «Авесто»нинг нусхалари, уларнинг маросимларига хос тош ва сопол идишлар, сопол тобут — остодонлар жой олган. Шунингдек, милодий 1 асрлардан бошлаб Ўзбекистон ҳудудида тарқалган буддавийлик динига оид ноёб топилмалар: Сурхондарё вилоятидаги Далварзинтепа (I-II асрлар) ва Қоратепадаги (III-IV асрлар) ибодатхоналардан топилган лой ҳайкаллар, Сурхондарё вилоятидаги Фаёзтепа ёдгорлигидан топилган ноёб санъат асарлари, тошдан ўйиб ишланган Будда ва лойдан ишланган Ботхисатва ҳайкаллари намойиш этилади, - деди Н.Ҳабибуллаев.

Кўргазмадан ислом дини, ислом маданиятидан ҳикоя қилувчи қўлёзма китоблар, кулолчилик буюмлари, меъморий обидаларнинг суратлари жой олган. Унда Қуръони каримнинг куфий хатида битилган IX аср нусхаси, шунингдек буюк алломаларимиз Ибн Сино, Абдураззоқ Самарқандий, Бурҳониддин Марғиноний, Алишер Навоий ва бошқаларнинг асарлари намойиш этилади.

Милиция ходимлари юртимиз осойишталиги йўлида кечаю кундуз тиним билишмайди. Жарқўрғон туманидаги «Исмоилтепа» ДАН маскани ходимлари ҳам доимо ўз вазифаларига сидқидилдан ёндошиб келадилар. Уларнинг сергакликлари туфайли кўплаб қонунбузарлик ва қоидабузарликларнинг олди олинмоқда. Шу йилнинг биринчи чорагида 1960 та йўл қоидасини бузганлар, 58 нафар спиртли ичимлик истеъмол қилиб машина рулига ўтирган шахслар аниқланиб, маъмурий жазога тортилди.

Аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ўтказишда ҳам бу пост ходимлари доимо етакчилик қилиб келишмоқда.

Суратда: ДАН маскани бошлиғи ўринбосари, милиция капитани Ўктам Чоршанбиев ва лейтенант Эркин Садатов.

Р.АКБАРАЛИЕВ олган сурат.

ЛАҲЗАЛИК РОҲАТ АЗОБИ

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент Давлат техника университетида гиёҳвандликка қарши курашга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

— Айрим ўсмирларнинг гиёҳванд моддаларни тарқатиб, уни истеъмол қилиб, қамоққа тушганию афсус-надоматларини кўриш нақадар оғир, — деди университет маънавият ва маърифат бўлими мудири Маҳфуза Қорахўжаева «Туркистон-пресс» мухбирига. — Гиёҳвандлик домига тушганлар бир умр азоб исканжасида яшайди. Бу иллат инсониятни ҳар қандай жиноятга, жирканч қабоҳатга бошлайди.

М.Қорахўжаеванинг таъкидлашича, бу иллатлар исломий тарбияда ҳам қораланган ва ёшларимизнинг билиб-билмасдан, кўр-кўрона шу касалликларга дучор бўлиб қолаётганлиги ачинарлидир. Бундай салбий ҳолатларга йўл қўймаслик учун тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантириш лозим.

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

ФЕРМЕР ИМКОНИЯТИ

Тадбиркор ундан қандай фойдаланаяпти?

Деҳқон-фермер хўжаликлари мустақиллик шарофати туфайли вужудга келиб, халқимизнинг фаровон турмушига камарбаста бўлаётган янги тизимлардан биридир. Уларнинг сафи кундан-кунга ортиб бораётир. Биргина Қашқадарё вилоятининг ўзида 1999 йил бошида 1374 та фермер хўжалиги мавжуд бўлган бўлса, ҳозирга келиб уларнинг сони 4073 тага етди.

Бироқ деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ўз ҳақ-ҳуқуқларини мукаммал равишда биладиларми? Махсус мухбирларимиз ушбу долзарб масалада мулоҳаза билдиришни Қашқадарё вилоят деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллигининг директори Холмурод РАҲМОНОВдан илтимос қилдилар. Қуйида унинг бу борадаги ўй-фикрларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Дарҳақиқат, ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиш деҳқон ва фермер хўжаликларига кенг имкониятлар эшигини очиб берадиган ўзига хос калитдир. Яқинда вилоят ҳокимиятида бир қатор йирик фермер хўжаликлари раҳбарлари билан йиғилиш ўтказилди. Унда ҳам айнан мана шу масалага диққат-эътибор қаратилди.

Сир эмаски, жойлардаги баъзи бир маҳаллий раҳбарлар деҳқон ва фермер хўжаликларининг ҳақ-ҳуқуқларини қисиб, уларни тарқатиб юборишгача бориб етмоқдалар. Бу тўғрида матбуот хабарлари орқали билиб қоляпмиз. Бизда ҳам яқинда шундай воқеа юз берди. Чироқчи туманидаги «Иссиқсув» фермер хўжалиги маҳаллий раҳбарларнинг амри-фармони билан тугатиб юборилди. Биз вилоят деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллигида бу масалани атрофлича ўрганиб чиқдик. Мазкур ишга ҳуқуқшуносларни жалб қилдик. Фермер хўжалиги нотўғри, қонунга зид равишда тарқатиб юборилганлиги маълум бўлди. Масала тегишли ташкилотларда муҳокама қилингач, фермер хўжалиги қайта тикланди. Айбдор шахслардан эса фермер хўжалиги раҳбари фойдасига 500 минг сўмлик моддий ҳамда маънавий зарар ундириб берилди.

Вилоятимиз туманларида 3452 та деҳқончилик ва 621 та чорвачилик билан шуғулланадиган деҳқон-фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларда 26361 нафар меҳнат аҳли ишлайди. Барча хўжаликларга 113046 гектар ер биркитиб берилган. Экин экиладиган майдонлар 90 минг гектардан ортиқроқни ташкил қилади. Суғориладиган майдонлар эса 62439 гектар. Деҳқон ва фермерларимиз вилоят миқёсида етиштирилаётган пахта, ғалла ва чорва маҳсулотларининг ўзларига тегишли улушини йилдан йилга орттириб бормоқдалар.

Фермер хўжаликлари тобора йириклашмоқда. Фақат биргина 2000 йилнинг ўзида республика Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан вилоятимиздаги 14 та фермер хўжаликлари фермерлар уюшмасига айлантирилди. Бу уюшмаларнинг ҳар бирида турлича хизмат кўрсатадиган мўъжазгина бўлимлар бор. Улар қаторига ёнилғи-мойлаш материалларини тарқатувчи нефт базаси, машина-трактор парки, қишлоқ хўжалик химияси шохобчаси, суғориш тармоқлари участкаси, статистика ва ҳисоблаш маркази, мини-банклар киради. Энди деҳқон-фермер хўжаликларининг раҳбарлари арзимаган майда-чуйда масалаларни ҳал қилиш учун туман марказига — бир неча ўн километр масофага чопиб юрмасдан, ҳар қандай муаммони шу ернинг ўзида ечиш имкониятига эга бўлдилар. Ушбу айтилганлардан сўнг деҳқон ва фермер хўжаликлари қишлоқда қандай қудратли кучга эга бўлиб бораётганлиги ва улар энди қонунларимизни яхши, мукаммал билишлари нечоғлик катта аҳамият касб этишлиги аён бўлиб қолса керак.

Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда вилоят деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллиги ҳуқуқ органлари билан тиғиз алоқада иш олиб бораётир. Бу нарсага бизни ҳаётнинг ўзи мажбур қилиб қўйди. Қувонарли жойи шундаки, ҳуқуқ тизимининг раҳбарлари ҳам мақсадимизни тўғри тушунганлари ҳолда бизга яқиндан, ҳар томонлама ёрдам беришга ҳаракат қилаётирлар. Масалан, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Ғайбулла Сафаровнинг шахсий ташаббусига кўра унинг ўринбосари Жўра Худойбердиев деҳқон ва фермер хўжаликлари билан ҳамкорликда ишлаш учун доимий равишда бизга биркитиб қўйилди. Бирон-бир масалада мазкур ҳуқуқшуноснинг ёрдами керак бўлиб қолган тақдирда фермерларимиз кўп ўйлаб ўтирмай, шахсан у кишининг ёнига боришга кўникиб қолганлар.

Айнан шундай хизмат вилоят прокуратурасидан мазкур ҳуқуқ органининг умумий назорат бўлими мудири зиммасига юклатилган. Ҳозиргача ўзаро ҳамкорликларимиз яхши, ижобий натижаларга олиб келаётир ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Вилоятдаги барча хўжаликларимиз текширишларни қайд қилиш дафтарлари билан таъминланганликлари ҳамда ҳар қандай текширишнинг фақат қонуний, расмийлаштирилган ҳолда ўтказилиши тартиб-қоидалари билан яхши таниш эканликлари ҳақида ҳам айтиб ўтмоқ жоиздир.

Деҳқон ва фермер хўжаликларининг ҳақ-ҳуқуқлари тўла таъминланганми, деган савол шу кунларда кўндаланг турибди. Бу борада ечилмаётган бир муаммо мавжуд. Республика Вазирлар Маҳкамаси бундан 6 йил муқаддам қабул қилган қарорда хусусийлаштирилган фермер хўжаликлари озуқа ем билан бошқалар қатори таъминланишлари зарурлиги кўрсатиб ўтилган эди. Лекин, таассуфлар бўлсинким, фермер хўжаликларимизга мазкур ем фонди тўла-тўкис берилмаяпти. Мутасадди ташкилотлар ушбу масала хусусида зарур чора-тадбирлар кўришса ёмон бўлмас эди.

Ўз ҳуқуқини билган фермернинг йўли очилади. У қонун ҳимояси остида бўлади. Ҳуқуқий саводхонлигини мунтазам равишда ошириб бораётган деҳқон ҳамда фермерлар ўз фаолиятларида ҳар қандай тўсиқни осонгина енга олишларини ҳаёт тажрибаси яққол кўрсатиб турибди.

Суҳбатдошлар: И.ҲИКМАТОВ, Қ.СОБИРОВ, «Ишонч» мухбирлари.

Касаба уюшма тадбирлари

ИСТЕЪДОДЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

Тошкент шаҳар Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан тармоқ тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар ходимлари ўртасида «Ўзбекистон — ягона Ватан» номли кўрик-танлов ўтказилди.

Унда ташкилот ва муассасалардаги саралаш босқичида ғолиб чиққан ҳаваскор ижрочилар иштирок этдилар.

— Республикамизда янги-янги истеъдодларни кашф этувчи кўрик-танловлар ташкил этиш анъанага айланди, — деди Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳожиакбар Бахтиёров. — «Ўзбекистон — ягона Ватан» кўрик-танлови ҳам мамалакатимиз Мустақиллигининг 10 йиллик тўйига бағишлаб ўтказилмоқда. Мақсадимиз, бу каби тадбирлар орқали ёшларимиздаги она Ватанга, халққа, инсонларга бўлган меҳр-муҳаббат, ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкам қарор топтириш касаба уюшма аъзолари жипслигини таъминлашдир. Зеро, санъат ва мусиқа кўнгилларни кўнгилга боғловчи, инсонларни бирлаштирувчи буюк кучдир.

Қизғин беллашувлар ва кўтаринки руҳда ўтган ушбу танловда нуфузли ҳакамлар ҳайъати Тошкент шаҳар Солиқ идоралари бирлашган касаба уюшма қўмитаси аъзоси Роҳатой Файзиевани «Ягона Ватаним» номли қўшиқ ижроси учун биринчи ўринга муносиб деб топди.

Иккинчи ўрин шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси касаба уюшма қўмитаси вакили Хурсанд Шеровга насиб этди.

«Халқ банки»нинг Тошкент шаҳар бўлими ходимаси Нилуфар Назруллаева эса учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Ғолибларга тармоқ касаба уюшма қўмитаси томонидан магнитофон, гилам, телефон каби қимматбаҳо мукофотлар, рағбатлантирувчи ўрин соҳибларига эса фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

Ўзбек кураши: I Осиё чемпионати

«...Биз ҳам кураш тушганмиз, ўғлим. Энди билсам биз ўша даврларнинг полвони эмас, армони эканмиз. Шундай шукуҳли кунларни берган истиқлол қадрига етмоқ, уни қадрламоқ, кўз қорачиғидек асраб-авайламоқ даркор». Миллатимизнинг энг олий қадриятларидан бири ҳисобланган ўзбек кураши бўйича тарихий I Осиё чемпионати баҳсларини кузата туриб, негадир, чироқчилик машҳур полвон — Абдурашид бобо Мирзаевнинг ушбу сўзлари ёдга келди. Дарҳақиқат, зўр кўтаринкилик билан ўтган ўзбек кураши бўйича илк қитъа чемпионати энг азиз неъмат — ўзлигимиз тимсоли бўлди.

АЛИНИНГ МАЙДОНИДА МАРДЛАР БЕЛЛАШДИ

Чемпионатнинг биринчи куни. Турнирнинг тантанали очилиш маросими. Тантанавор шукуҳ ила безанган муҳташам «Юнусобод» спорт мажмуининг марказий зали биринчиликнинг муҳтарам меҳмонлари, мусобақа иштирокчилари ҳамда курашсевар томошабинлар билан гавжум. Халқаро кураш ассоциацияси президенти Комил Юсупов, Эрон ислом республикаси вице президенти, Халқаро олимпия қўмитаси аъзоси Саид Мустафо Ҳошимий ҳамда Осиё кураш конфедерацияси президенти Жагдеш Татлер жаноблари қитъа чемпионатининг очилиши билан қизғин муборакбод этдилар. Ёш ҳакамлар бошқарувидаги жажжи курашчилар ва шунингдек, фахрий полвонларнинг кўргазмали чиқишлари маросимга ўзгача руҳ бағишлади.

Ниҳоят, биринчилик очиқ деб эълон қилингач, гиламга 73 килограммгача бўлган вазндаги курашчилар — ўзбекистонлик Б.Дусипбеков ва қирғизистонлик А.Бобоевлар таклиф этилди. Ғоят муросасиз ўтган ушбу баҳс ўзбекистонлик полвон ғалабаси билан якунланди. Кейинги беллашувлар эса бундан-да қизғин тус олди. Мўғулистон полвони Дамдинг Сулдбайар ҳамда туркманистонлик курашчи Гуванч Нурмуҳамедов ўртасида кечган қизғин ва муросасиз ҳал қилув беллашувларидан сўнг қитъанинг биринчи чемпиони аниқланди: Дамдинг Сулдбайар! Кичик ҳисобдаги устунлик мўғулистонлик полвонни шоҳсупага кўтарди. Шунингдек, Шерали Бозоров (Тожикистон), Беҳруз Пархизгар (Эрон)лар ҳам совриндорлар сафидан жой олишди.

81 килограммгача бўлган вазн тоифасида иштирок этган ҳамюртимиз, таниқли курашчи Фарҳод Тўраевга кўпчилик мухлислар ва мутахассислар катта умид билдиришганди. Дарвоқе, Фарҳод ишончни оқлади. Финалга қадар барча рақибларини мағлуб этган курашчимиз ҳал қилувчи баҳсда эронлик тажрибали полвон Ғулом Ризо Сезагарга қарши кураш олиб борди. У аввалига чаққон ҳаракатлари билан эронлик полвонни анча шошириб қўйди. Сўнг чиройли усул қўллаб, рақибининг елкасини ерга теккизди. Кейинги ўринлар Ғ.Р.Сезагар (Эрон), Д.Ниямку (Мўғулистон), Р.Иннатиллаев (Қозоғистон)ларга насиб этди.

90 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги полвонлар беллашувларига тожикистонлик Алишер Боқиев, эронлик Али Ризо Саней, ўзбекистонлик Файзи Очилов, мўғулистонлик Бадарч Мирмардарч ҳамда япониялик Изему Таканизава каби кураш усталари кескинлик ва муросасизлик бахш этди. Хусусан, тожикистонлик полвон Алишер Боқиевнинг хатти-ҳаракатлари барчада катта таассурот қолдирди. Зеро, унинг финал баҳсида Эрон паҳлавони А.Р.Санейни 10 сония ичида жуда ҳам чиройли усул билан мағлуб этиши яна бир истеъдодли кураш устаси туғилаётганидан дарак берди.

Мусобақаларнинг иккинчи кунида эркаклар ўртасида мутлақ ҳамда аёллар ўртасида 63 килограммгача бўлган вазнда ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Мутлақ вазндаги полвонлар ўртасида икки ҳамюртимиз — Шуҳрат Хўжаев ҳамда Нодирхон Музаффаровлар финалга йўл олишди. Мухлислар улар ўртасидаги баҳсни интиқлик билан кутишарди. Бироқ олдинги беллашувда жароҳат олган Н.Музаффаров финал баҳсида қатнашолмаслигини маълум қилди...

Очиғи, 63 килограммгача бўлган вазндаги полвон қизлар кураши барча-барчада катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, Туркманистон вакили Олеся Назаренко, ўзбекистонлик Юлдуз Шагибекова, мўғулистонлик Бадтишг ва ҳиндистонлик Пунам Чопралар иштирок этган беллашувлар мухлисларга олам-олам завқ бағишлади. Финал баҳсида Анталияда ўтган кураш бўйича иккинчи Жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори Олеся Назаренко 15 сония вақт ичида хоразмлик курашчи қиз Юлдуз Шагибековадан устун келди.

***

Жагдеш ТАТЛЕР, Осиё кураш конфедерацияси президенти:

— Мусобақалар илк маротаба ташкиллаштирилганлигига қарамасдан юқори савияда ўтди, дея оламан. Айниқса, иштирокчиларни юзлаб кураш ихлосмандларининг қўллаб-қувватлаб туриши беллашувларга алоҳида руҳ бағишлади. Комил ишонч билан айтишим мумкинки, ўзбек курашининг истиқболи порлоқ. Бинобарин, куни кеча бўлиб ўтган қитъа кураш конфедерацияси ижроқўм йиғилишида келгуси Осиё чемпионати бир йилдан сўнг Ҳиндистонда, ундан кейингиси Эронда ўтказиладиган бўлди. Тўртинчи қитъа чемпионатини ўтказишга эса ҳозирча туркманистонликлар асосий даъвогар саналаётир. Бу турнирлар курашнинг Олимпия ўйинлари таркибидан ўрин олишига мустаҳкам замин бўлади.

Абдурашид бобо МИРЗАЕВ, фахрий полвон:

— Мен ҳам ўз вақтида кураш тушганман. 5 марта ўзбек кураши бўйича, 3 маротаба дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритганман. Лекин бирор маротаба халқаро майдонга чиқиш насиб этмаган. Тўғрироғи, у вақтларда бунга йўл қўйишмасди. Шукрки, бугун истиқлол шарофати билан, муҳтарам Юртбошимиз эътибори ила ўзбек кураши жаҳонга чиқди. Бугунги мусобақаларни кузата туриб, қалбимда беҳад шукроналик туйғуларини туйдим.

Кези келганда, бир мулоҳазани айтиб ўтсам. Билсангиз, кураш — Алининг майдони, дейдилар. Шу боис ҳам бу майдонда ҳар доим адолат тантана қилмоғи керак. Чемпионат баҳсларида баъзан ҳакамларимиз билиб-билмай хатоликка йўл қўйишди. Ўйлайманки, келгуси мусобақаларда бундан тўғри хулоса чиқарилади.

Фарҳод ТЎРАЕВ, I Осиё чемпионати ғолиби:

— Дзюдо бўйича бўлиб ўтган халқаро турнирда иштирок этиб, яқинда қайтиб келганлигим учун ҳам беллашувлар мен учун бироз оғир кечди. Бунинг устига рақибларим ҳам катта қаршилик кўрсатишди. Шунга қарамасдан илк қитъа чемпиони бўлганлигимдан беҳад бахтиёрман.

Ноила ТУХФАТУЛИНА, табдиркор:

— Очиғи, миллий кураш беллашувларини биринчи марта бевосита кузатишим. Ишонасизми, ушбу спорт турининг жозибаси мени бутунлай мафтун этди. Менда унга нисбатан катта қизиқиш, меҳр пайдо бўлди. Энди имкон қадар барча кураш мусобақаларини кузатиб бораман.

Ғанишер ЮНУСОВ, мухлис:

— Мусобақалар жуда қизиқарли ўтди. Фақатгина бир нарса кўнглимни хижил этди. Чемпионат баҳсларини томоша қилиш учун келган кўплаб мухлислар залга киролмади. Келгусида ўтказилажак бу каби турнирларни каттароқ залларда ёхуд ўйингоҳларда ўтказиш хусусида ўйлаб кўрилса, нур устига аъло нур бўларди.

Камол ОЛЛОЁРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Кўргазма

ОНА ЗАМИНГА ЧЕКСИЗ МУҲАББАТ

Андижон ўлкашунослик музейида Ўзбекистон бадиий академияси, республика «Ҳунарманд» уюшмаси вилоят бўлими, вилоят адабиёт ва санъат, ўлкашунослик музейлари ҳамда маданият ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси ҳамкорлигида рассомлар кўргазмаси ташкил этилди.

«Рассом» ижодий комбинатининг бош рассоми Маҳмуджон Казиев, таниқли мўйқалам устаси Обиджон Бакиров, Улуғбек Болтабоевлар чизган расмларда Ўзбекистонимизнинг гўзал манзаралари алоҳида ўрин тутган. Мирзабаҳром Абдуваҳобовнинг сопол идишларга туширган ранг тасвирларида ҳам, Муроджон Умаров яратган асарларда ҳам она юртга чексиз муҳаббат ифодаси кўзга яққол ташланиб туради.

Кўргазмага ҳайкалтарош, наққош, кулол, чевар, гобилен санъати усталарининг асарларидан ҳам намуналар қўйилган.

М.АБДУКАРИМОВ.

АНДИЖОН ТЕАТРИГА БОБУР НОМИ БЕРИЛДИ

Андижон вилоят мусиқали драма ва комедия театрига Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи берилди. Бу унутилмас воқеа театрнинг мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган янги мавсуми очилиши билан бир вақтга тўғри келди. Шу муносабат билан бу ерга шаҳар жамоатчилиги вакиллари, саҳна санъати мухлислари тўпланди.

Сўзга чиққанлар ўзига хос анъаналарга эга бўлган театрга буюк давлат арбоби, жасур саркарда, айни вақтда беназир мутафаккир, хассос шоир ва ажойиб инсон сифатида машҳури олам бўлган улуғ ҳамшаҳарларининг номи берилгани унинг жамоасини янги ижодий муваффақиятларга, шу азиз юртни Бобурдек севиш ва ардоқлашга даъват этувчи асарларни саҳналаштиришга руҳлантиражагини таъкидладилар.

(ЎзА).

Футбол

Ҳа, футболда ҳам ўзига хос режалаштиришлар бўлади, башоратлар қилинади. Фақат бу фоизлар қайси томондан, кимнинг манфаатидан келиб чиққан ҳолда ёндошилишига боғлиқ.

МАҚСАДГА ЕТМИШ ФОИЗ ЭРИШИЛДИ

Ҳар қалай жаҳон чемпионати саралаш ўйинларининг Осиё қитъаси еттинчи гуруҳига жамулжам этилган терма жамоалар Тошкент турнирига ўз хомчўтлари билан ташриф буюрганлари шубҳасиз. Амалда қандай вазият юзага келганлиги эндиликда мутахассислар томонидан таҳлил қилинмоқда, кўнгил тўлмаган жиҳатлар юзасидан мушоҳадалар юритилиб, кўзда тутилган муваффақиятларни эса янада ривожлантириш чоралари ўрганилмоқда.

Хўш, Тошкент турнири бизга нималардан сабоқ берди? Авваломбор гуруҳдаги Иордания ва Туркманистон жамоалари ўйлаганимиздан-да кучлироқ эканлигига шоҳид бўлдик. Буни ўзгачароқ тарзда ҳам изоҳлаш мумкин. Катта умидлар билдираётганимиз Ўзбекистон терма жамоаси таркиб жиҳатидан анча кучайтирилганига қарамай, ҳамон замонавий футбол намойиш этишдан анча йироқ эканлиги кўзга ташланиб қолди. Худди шу сабабга кўра Туркманистон ва Иордания билан рўкач қилинмоқда. Тўғри, таркиб турнирдан бир ҳафта — ўн кун қолганда эълон қилинганлиги рост. Терма жамоа аъзолари 17 команда тўп суришлари, улар дарҳол тил топишиб кетишлари анчайин мураккаб кечишини ҳам инкор этмоқчи эмасмиз. Лекин нима учун Исроил, Болгария ва Германиядаги ўқув-машғулотларининг самарасини биз майдонда кўрмаяпмиз? Ёки бош мураббий айтмоқчи, 2006 йилги жаҳон чемпионатини мўлжаллаб, иш олиб бориляптими? Унда ёши бир жойга бориб қолган футболчиларни четдан жалб қилишдан мақсад нима эди!

Ҳеч бир команда мағлубият учун майдонга тушмайди. Футболчиларимиз ҳам Иорданиядан қандай қилиб бўлмасин уч очко тортиб олишни ўйлаб учрашувни бошлаганларига шубҳа йўқ. Лекин футболда нималар бўлмайди дейсиз. Зеро тушкунликка тушишга ҳали эрта, қолаверса, тушкун кайфият билан зафар қучиш мумкин эмас.

Нега бугун биз бу гапларни айтмоқдамиз. Яна бир неча кундан кейин еттинчи гуруҳ жамоалари иккинчи давра ўйинларига киришадилар. Бу галги учрашувлар Иорданияда бўлиб ўтади. Турнир жадвалидаги холат эса қуйидагича:

	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
Ўзбекистон	3	2	1	0	10-2	7
Туркманистон	3	2	0	1	8-1	6
Иордания	3	1	1	1	4-4	4
Хитой Тайпейи	3	0	0	0	0-14	0

Шубҳасиз, мамлакатимиз терма жамоасининг имкониятлари юқори. Лекин ўз майдонида араблар ҳам мўъжиза кўрсатишлари мумкин. Қолаверса, туркман футболчилари бор: агар уларнинг Иорданияни ишончли тарзда мағлубиятга учратганликларини, Ўзбекистон билан эса муросасиз кураша билганликларини назарда тутадиган бўлсак, иккинчи давра биринчисидан-да кескин ўтадигандек туюлади. Энг муҳими, футболчиларимиз асосий рақибларимизга ютқазиб қўймасликлари керак, шунда улар бугун эгаллаб турган мавқеларини сақлаб қола оладилар. Қосимов, Ширшов, Маминов, Присметовлари бор жамоа учун бу вазифани бажариш унчалик мушкул эмас.

З.РИХСИЕВ.

«5-ТАКСИСАРОЙ» ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Очиқ турдаги «5- Таксисарой» ҳиссадорлик жамияти ўз акциядорларига 29 май куни соат 10.00 да Тошкент шаҳар, Арнасой кўчаси (собиқ Пионер кўчаси) 7 а манзилида йиллик умумий йиғилиш бўлишини хабар қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. 2000 йил хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари ва йиллик ҳисоботни тасдиқлаш.
2. Тафтиш комиссияси ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. Даромадни тақсимлаш тартиби.
4. 2001 йил бизнес-режасини тасдиқлаш.
5. 2001 йил аудиторини тасдиқлаш.

«5-Таксисарой» ҳиссадорлик жамиятининг 2001 йил 01.01. бўйича баланс ҳисоботи:
(минг сўм ҳисобида)

Т/р	Баланс ҳисоботи бўлинмалари	Минг сўм ҳисобида	
		Актив	Пассив
1	Низом жамғармаси		7349,5
2	Қўшилган капитал		2944,2
3	Резерв капитали		5670,9
4	Тақсимланмаган фойда		1144,5
5	Асосий маблағ	50002,1	
6	Ишлатилгани	25037,6	
7	Қолдиқ қиймат	24964,5	
8	Ишлаб чиқариш заҳираси	4021,9	
9	Пул маблағи	2770,1	
10	Бюджет билан ҳисоблашиш	1457,7	872,0
11	Дебитор-кредитор қарзи	4281,5	10824,2
12	Бошқа актив ва пассивлар	7910,6	16601,0
	Баланс жами	45406,3	45406,3

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 23.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2424. 1 2 3 4 5 6